



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11-ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 189 (8929)

1986 йил 4 октябрь • шанба • Баҳоси 3 тийин.

ХОСИЛ—86

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

БЎКА

МАШИНА теримда «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик-хайдочилари пешадамлик қилди. Ушбу машиналарда 30 та агрегат ишлади, жами 210 тонналик хирмон уйилди. Бу йиллик планнинг 5,94 процентига тенгдир. Облаеть Советининг депутаты Сервер Усеинов, Баходир Махамбетов ва Элбой Очиловлар ўз «загори» кема-лари бунеридан шу кун 10 тоннадан пахта тўкиди. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 55—60 тоннадан «оқ олтин» териди.

Шу райондаги Фрунзе номи колхозда теримчилар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада Гулсанам Курбонова олдинги сафда бормоқда. У

кунлик нормасини 1,5—2 хиссага бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

ПИСКЕНТ

РАЙОННИНГ турли меҳнат коллективларида ташкил этилган 7 та комсомол-ешлар отрядлари пахта корларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўтган кунги отрядлар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақанинг навбатдаги ўн кунлиги якуниланди. Унда район марказий касалхонаси бошлангич комсомол ташкилотининг секретари Дилфуза Пўлдошева етакчилик қилган «Медик-86» коллективини гўлиб деб топилди. Маъмур отряд аъзолари «Гулистон» колхози даладарида ўн кун давомида 38 тонна пахта териди. Ҳар бир

теримчининг ўртача иш унумдорлиги 68 килограммданга тенгдир. Айниқса, отряд аъзолари Раёвот Шарипова, Дилором Хошимова ва Маълуда Назирова-лар юқори кўрсаткичларга эришдилар.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

ОХУНБО БОВЕ номи колхозининг илгори механик-хайдочиси Ғулом Усмонов шахсий мажбуриятини бажариб, ўз хўжалик хирмонига шу кунгача 141 тонна пахта тўкиди. Ўз иккионингларини чама-лаб кўрган Ғ. Усмонов яна 30 тонна пахта теришга сўз берди.

ЯНГИЙЎЛ

КАЛИНИН номи колхоз аъзолари Маъди Абдулқосимов ҳамда Мустафо Абдуллаевлар ҳам машина теримда илгорлар сафида бормоқдалар. Улар кунига хирмонга 6—7 тоннадан пахта тўкишмоқда. Ҳар бирининг шу кунгача терган пахтаси эса 100 тоннадан ошди.

ҒАЛАБА

ЎТГАН кунги район хўжаликчилари ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақанинг учинчи ўн кунлиги якуниланди. Колхозлар ўртасида

Саодат Сайдалиева Оққўрғон райондаги Охунбобоев номи колхоз теримчилари ўртасида, Зиннат Хайиткулова эса шу райондаги Ҳамид Олимжон номи колхоз аъзолари ўртасида йил-теримда пешадамлик қилишмоқда. Ҳар иккала те-

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чирчиқ	4,83	45,46	5,39	36,55
Пискент	3,58	37,00	3,94	35,46
Янгийўл	3,55	34,53	4,03	29,73
Ўрта Чирчиқ	4,07	32,16	5,38	39,79
Бекобод	3,87	31,20	4,27	26,76
Оққўрғон	4,12	25,63	5,15	23,78
Коммунистик	3,16	24,31	4,09	30,72
Бўка	3,49	19,67	4,28	20,01
Ғалаба	4,91	17,20	6,33	19,89
Област бўйича:	3,94	28,18	4,81	27,55

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида). Фарғона—50,19; Бухоро—40,11; Хоразм—38,02; Қўқас—38,01; Сурхондарё—30,00; Наманган—28,26; Самарқанд—20,09; Андижон—19,50; Навоий—18,96; Қашқадарё—18,93; Жиззах—17,42; Сирдарё—15,95; республика бўйича—28,45.

Ўтказилган мусобақада Ленин номи колхоз гўлиб деб топилди. Бу хўжаликда ўн кунда йиллик планнинг 21,2 проценти миқдоридан пахта тайёрланган. Совхозлар ўртасидаги мусобақада эса Киров номи ўқув хўжалиги гўлиб бўлди. Бу хўжаликда ўн кунда йиллик планнинг 12,7 проценти миқдоридан пахта тайёрланган.

БЕКОВОД

НАВОИЙ номи колхоз механизаторлари бу йил асосий ҳосилнинг 3 минг тоннасини машиналар ёрдамида териб олиш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача

римчи ўз хўжаликларидан ўтказилган ўзаро мусобақада намуна кўрсатиб, беш кунлик якуниларига кўра бир неча марта гўлиб келишди. Суратларда: (ўнгда) Саодат Сайдалиева; (чапда) Зиннат Хайиткулова.

Х. Аввалов фотолари.

эса хўжаликда 2200 тонна пахта агрегатлар бунеридан тўкиди. Механик-хайдочилардан Раимқул Абдукаримов ўтган кунги тўққиз тонна пахта теришга эришди. Шу кунгача у 100 тонналик хирмон уйди. Наби Абдуқодиров, Аҳмад Қорақуллов ва Али Иброҳимовлар ҳам йил-теримда илгорлар сафида боришмоқда.

КОММУНИСТИК

ЛЕНИНСКИЙ ПУТЬ колхозининг Абдурахим Демирзаев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил мавсумда 75 гектар пахта майдонидан 239 тонналик хирмон уйиш учун курашмоқдалар. Кун сайин коллективда йил-терим суръати ортиб бормоқда. Ҳозиргача бу ерда йиллик планнинг 65,4 проценти миқдоридан пахта тайёрланди.

Шу колхознинг илгори механик-хайдочиси Абдурахим Мадиев кунига тўққиз тоннадан пахта териб, пешадамлар сафида бормоқда. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 57 тоннадан ошди.

Митингда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Биз бугун ояётган ҳайкал, деди у, фашистлар жаҳоллигига қарши ҳаёт-мамот жангига боришчилар қатори киришган инсоннинг жасорати тимсолидир. Биз ҳозир яшаб курашаётган дунё Эрих Тельман яшаган ва курашган дунёга ўхшамайди, деди сўнгра нотиқ. Жаҳоннинг сиёсий қиёфаси, социал ҳамда миллий кучларнинг нисбати ва ўрни таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

(Давоми 3-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БҲУРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 2 октябрь кунги бўлиб ўтган мажлисида Краснодар ўлкасидаги «Кубань» агроносот комбинатининг ишдаги икки ой натижаларини қайд этди ҳамда РСФСР, Украина ССР ва Белоруссия ССРда яна ўн тўртта маишундай комбинат барпо этиш тўғрисидаги таклифларни маъқуладди. Маиш шу янги комбинатларнинг бош вазифаси янги техника ва технология негизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва юқори сифатли озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришдан, маҳсулотни хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи қоплаш асосида етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни амалга оширишдан иборат. Келгусида бошқа республикалар, ўлкалар ва областларда ҳам тажриба тариқасида агроносот комбинатлари барпо этиш мақсадида мувофиқ деб топилди.

Сиёсий бюро социалистик қонуничилигини янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиб, қайта қуриш ва социалистик демократияни чуқурлаштириш шароитида қонуниларга муттасил риоя этилиши давлатчиликнинг, халқнинг ўзини-ўзи бошқариши ривожлантириш, социал адолатни ҳамда меҳнатчиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлашнинг таъминлаш учун янада, каттароқ аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. Шу муносабат билан прокуратура, милиция, судларнинг ва ҳуқуқнинг ҳимоя қилувчи бошқа органларининг ишлари яқин келгусида қайта қуриш зарур. Улар ҳуқуқ-тартиотда жуذا қаттиқ риоя этиш намунаси бўлиб қизил қишлоқлар, граждандарнинг манфаатларини пухта ҳимоя қилишлари ва шу билан бир-

га жаиятга зид ҳодисаларнинг пайини қатъият билан қирқиллари, жиноятчилик ва ҳуқуқнинг бошқа тарзда бузилишларига қарши муроасида кураш олиб боришлари керак. Конкрет ишларни текшириш ва суд қилишга бирон-бир томондан аралаш иш йўлидаги ҳар қандай уринишларга йўл қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтилди. Партия комитетларида қонуничилигини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишнинг энг муҳим сиёсий вазифалардан бири деб билиш тақдир қилинди. Жаият ва давлат манфаатлари учун, совет гражданининг меҳнат қилиш, уй-жойли бўлиш ҳуқуқларига ва бошқа ҳуқуқларига ҳеч сўзсиз риоя этилиши учун курашда министрликлар ва идораларнинг, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг маъсулиятини янада ошириш йўналишлари белгилаб берилди.

Сиёсий бюро Чернобыль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш ишлари қандай бораётганини кўриб чиқди. Шикастланган реакторни консервациялаш, ифлосланган территорияни дезактивациялаш, АЭСнинг биринчи ва иккинчи энергетика блоклари ишга туширишга қаратилган ишларни янада мустаҳкамлаш таъминланди. Сув ресурсларининг радиатив моддалардан пухта ҳимоя қилиниши таъминланди. Меҳнатда лаёқатли ҳамма граждандар иш билан таъминланди. Кўчирилган аҳоли учун мингтадан кўпроқ уй қурилди, яна беш мингта яқин шинам уй-жой биносини қуриш давом этмоқда.

Сиёсий бюро МАПАТЭга аъзо бўлган мамлакатларнинг ядро энергетикаси хавфсизлигини ошириш масалаларига бағишланган кенгаши

ақунлари тўғрисидаги ахборотни тинглаб, совет ташкилотларининг МАПАТЭ фаолияти ҳамда соҳалари юзасидан аввало атом энергетикасини рабардор ва хавфхатарсиз ривожлантириш халқаро режимида вужудга келтириш масалалари юзасидан шу ташкилот билан муносабатларни ривожлантириш йўлини давом эттириш катта аҳамиятга эга эканини ўқитди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев, А. А. Громио ўртоқларининг Малагасия революцияси авангарди партиясининг бош секретари Мадагаскар Демократик Республикасининг президенти Д. Раирана билан ўтказган музокаралари якуниларини кўриб чиқди. Иккала мамлакатнинг музокарада тасдиқланган ҳозирги халқаро ҳаёт энг муҳим муаммоларига ёндошуви муштарак эканлиги қайд этилди. Совет—Малагасия дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўли маъқулланди.

Ўртоқ М. С. Соломенцевнинг КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитети делегациясининг Венгрия Халқ Республикасида қилган сафари тўғрисидаги ахбороти ҳамда ўртоқ Н. Н. Слоньковнинг СССР Олий Совети делегациясининг Чехословакияда қилган расмий визити якулари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси партия турмуши ва давлат қурилишининг бошқа баъзи масалаларини, шунингдек Коммунистик партия билан Совет давлати ўртасида ташлаб кенг миёёли тинчлик ташаббуслари қандай амалга ошириётганлигини муҳокама қилди.

Эртага—ўқитувчилар кун



ЗАМОНДОШИМИЗ

Ўзининг умр мазмунини ёш авлодга таълим-тарбия беришда деб билган Осие Асоровна Қаҳҳорованинг педагогик фаолияти йилгига йилдан сал кўпроқни ташкил этади. Бу вақт мобайнида у биргина пойтахтимизнинг Октябрь районидан 13-ўрта мактаб коллектив орасида эмас, балки республикамизда ҳам касбига астойдил меҳр қўйган, маънавий, жонқур тил-адабиёт ўқитувчиси сифатида танилди.

Ишчан муаллиманинг дарслари ҳаммаша мароқли ва таъсирчан ўтади. У машгулотлар самарадорлигини оширишнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланади. Ҳар бир талабасининг қалби-га йўл очишга ятилади.

ЎҚИТУВЧИ

Осие Қаҳҳорова бир неча йиллардир, мактабда ўзи дарс бераётган фан бўйича методик бирлашмалар бошлиқлиги қилиб келмоқда. Ҳамкасблари Осие Асоровнани ислохот талабларини амалга оширишнинг актив жонқури, ёшларнинг таърибли устози сифатида ҳурмат қилишди. Унинг зияматларига партия ва ҳукуматнинг муносиб баҳо берилди. Бундан бир неча йил аввал у Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъдирланган эди. Ўқитувчилар кун арафасида эса педагог Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан мукофотланди. Суратда: Осие Қаҳҳорова ҳамкасблари даврасида.

Р. Албеков фотоси.

ОТАШИН КУРАШЧИГА

3 октябрь кун Москвада, Э. Тельман номи билан аталувчи майдонда Германия Коммунистик партиясининг йўлбошчиси, изчил интернационалист ҳайкалининг бу ерда тантанали очилиши бағишланган митинг бўлди.

Ҳайкални очиш маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС

Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. Ф. Добринин ва В. А. Медведев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этидилар.

Шу воқеа муносабати билан ГВСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер, Германия Коммунистик партиясининг раиси Г. Мис, Фарбий Берлин бирлашган социалистик партиясининг раиси Х. Шмитт, Э. Тельманнинг қизин Ирма Габель-Тельман келишди.

Митингни Б. Н. Ельцин снди. М. С. Горбачев билан Э.

Хонеккер ҳайкал ўрнатилган сулаға ўралган қизил лентани кийрадилар. Қойшаб туширилди.

Йилгиланларнинг кўз ўнгидан Эрих Тельманнинг бугун бўй-баста билан бронзадан ишланган қиёфаси қилинган гранит сулаға намойиш бўлади. Унинг мушт қилиб олган ўнг қўли кўтарилди, «Рот фронт!» деб саломлашаётган.

Совет Иттифоқи гимназикаро этилади.

МОСКВАГА ТАШИРФО

Э. Тельман ҳайкали очилиш муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг тақдирини буюн 2 октябрь кун ГВСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер Москвага келди.

Аэродромда Э. Хонеккери КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу кунлик Германия Коммунистик партияси раиси Г. Мис ва Фарбий Берлин бирлашган социалистик партиясининг раиси Х. Шмитт ҳам Москвага келдилар.

Аэродромда меҳмонларни КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми илгари байрам қилиб келинган «Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун» ва «Озиқ-овқат саноати ходимлари кун» ўрнига «Қишлоқ хўжалиги ва агроносот комплексини қайта ишлаш саноати ходимлари кун» байрамини белгиллади.

Қишлоқ хўжалиги ва агроносот комплексини қайта ишлаш ходимлари кун ҳар йили ноябрнинг учинчи якшанба кун байрам қилинади.

Қурилиш комплексини бошқариш тақомиллаштирилсин

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат қурилиш комплексини бошқариш янада тақомиллаштириш тўғрисида» ва «Қурилишдаги хўжалик механизмининг тақомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш юзасидан биринчи галдаги вазифалар 3 октябрь кун Тошкентда бўлиб ўтган республикаларо кенгашида кўриб чиқилди.

Кенгашда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон партия

ҳамда совет раҳбарлари, СССР ва Ўрта Осиё республикалари министрликларидан раҳбарлари, республика қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири А. Г. Мельников кенгаши очиб, партия билан ҳукуматнинг энг муҳим ҳужжатларида қурилишдаги хўжаликнинг юртишнинг янги системасини вужудга келтириш йўллари кўрсатилганини, истиқболда уни ри-

вожлантириш концепцияси белгилаб берилганини ўқитиб ўтди. Қайта қуриш зарурати алақадорлиги етилган эди. Энди куч ва востиларнинг соғиб юборилишига чек қўйиш, кўп бўйлиқлигини тугатиш, қурилиш ташкилотларининг хўжалик муштаклигини таъминлаш пайти келди. Маиш шуларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё регионидан шу тармоқни ривожлантиришга ҳам яқин деб ичда таъсир ўтказиш лозим.

(Давоми 3-бетда).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ

3 октябрь кун Осиё ва Тинч океан хавзаси мамлакатлари хотин-қиз ташкилотлари регионал семинарининг қатнашчилари «Аёл ва тараққиёт» мавзусидаги мунозарани тугатдилар. Мунозарда совет хотин-қизлари комитети раисининг ўринбосари Ксения Проскурникова, Кампучия революцион хотин-қизлари уюшмасининг вакили Рос Серей, тинчлик ва озолик учун курашувчи хотин-қизлар халқаро иттифоқининг вакили Агнес Раванггер, «Бангладеш Махила Шомити» ташкилотининг бош секретари Шахара Кхатун, тинчлик ва озолик учун курашувчи хотин-қизлар халқаро иттифоқи Аме-

рика секцияларидан биринчи раҳбари Лойс Хамер, Лаос хотин-қизлари союз халқаро алоқалар бўлимининг мудири Фолсена Кхемпфет, Янги Зеландия хотин-қизлари иши бўйича миллий кенгаш вакили Лаура Салас, Афғонистон министрлар кенгаши юридик бўлимининг раҳбари Сафия Хесаби, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг вакили Малабия Четтержи, Эскато социал масалалар бўйича масъул секретари Кейт Эмрих ва бошқалар қатнашдилар.

Мунозара чоғида иккинчи ҳаётнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизлар билан эркаклар реал тенгчилигини

таъминлаш зарурлиги айтилди. Қўпгина социал проблемаларнинг ечими шунга боғлиқ. Сўзга чиққанлар Осиё ва Тинч океан хавзаси мамлакатларида хотин-қизларнинг аҳоли масалалари хусусида фикрлашиб олдилар. Хотин-қизлар ҳаммаша тинчлик ва социал тараққиёт учун курашчиларнинг олдинги сафларидан турганликлари таъкидланди. Тошкентда ўтган семинар халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсониятни тинч келажиги учун курашда региондаги барча хотин-қизларнинг қувватларини бундан бўён ҳам бирлаштиришга хизмат қилди.

(ЎЗАТ).

МАРКСЧА ПОЗИЦИЯДА ТУРИБ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан ижодкор зиёлиларнинг учрашуви

Адабиёт ва санъат арбобларининг улар қайта қуриш жараёнига, совет жаиятини шифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга қўшадиган ҳиссани кўпайтириш ва зифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан бўлиб ўтган ижодкор аниёлиларнинг намояндалари учрашуви қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. В. Усмоновжаев очди.

Езувчилардан К. Яшин, О. Сидельников, О. Екубов, Э. Хошимов, кинорежиссёр Э. Эшмухамедов, композитор Д. А. Сайдамонова, расом Б. Жаололов, режиссёр В. А. Гвоздиков, олимлардан Х. Абдусаматов, Т. Махмудов ва бошқалар ўз нутқларида ҳозирги кунда ижодий ҳодимларнинг роли ва ўрни ҳақида, уларнинг фаолиятининг партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетини Пленуми қарорлари руҳида ҳар томонлама активлаштириш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Нутқларда республика ҳаётида олдинги ўн йилликларда кўза ташланган ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII пленумида қаттиқ ва ҳақдан қораланган салбий ҳодиса-

лар ҳали ҳам баъзи ишлардан из қолдираётганлигини, истеъдодли сўз ва мўйица ҳам соҳиблари, саҳна ва экран усталиларнинг ижодий раванг топишига ҳалақат бераётганлигини кўчур ташвишланиш изҳор этилди.

Ленин энг муҳими шундан иборатки, деб таъкидлашди нотиқлар, сўнгги йилларда қарор тоған ҳуқ-аъвор ва зарарли тенденцияларни ўзгариш, энг аввало ижодий ҳодимлар онгини тубдан қайта қуриш зарур. Ўтмиш юкларидан дадиллик билан қутилиш, ҳаётимизда ҳамоно учраётган камчиликлар ҳақида халққа тўғри ва ошқорча гапириш, ижодда, коммунистик партия талаб қилаётганидек, синфий, марксча позицияларда қаттиқ туриш лозим.

Масаланингта уринуви баъзи кишилар шахсий, гаврали мақсадларни қўзалаб, эски тартибларни фой этиш хабардор бўлишига, кенг ошқоралиқнига умри туганган, олға ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган ҳамма нарсани енгиб ўтиш ва улоқтириб ташлашга ёрдам беради. Бу соҳада адабиёт ва санъат каби омманий ахборот воситалари — матбуот, телевидение, радио эшитиш зиммасига ҳам жуذا катта масъулият тушади.

Ижодий интеллигенция Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлар меҳнатчилари республика ҳаётидаги олдинги салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун курашида уларга ёрдам беришлари керак. Бадиий сўз билан, мўйица қалам бўёқлари билан, саҳна ва экранда айтилган гаплар билан, ишчи, колхозчи, инженер, ўқитувчи, олимнинг, ҳозир Ўзбекистон нималарга бой бўлса, ана шулар

О И Л А ДА В Р А С И Д А:

• Ахиллик ва муроа хусусида • Билиб қўйсангиз нафи тегади • Бежирим бўлай десангиз • Бир оғиз ширин сўз...
• Ортиқча маросимларга ҳожат борми? • Серҳаракат бўлсангиз чиниқасиз

МЕН ЮРАК ДАРДИДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚУТУЛДИМ?

ОДИЙ ХИЗМАТЧИ-
МАН. Югуришнинг фойдаси
ҳақида илгари кўп ўйинган
бўлсам ҳам бунга амал қил-
масдим. Илдан-илга семи-
риб борардим. Бир йил бу-
риб тиктирган қўйлагим ке-
йинги йилга тўғри келмасди.
Семизлиги тўғрисида юрак ҳас-
талигини оштиради. Шифо-
хонага тез-тез ётадиган бў-
либ қолдим. Сўнгги муола-
жалардан бирда шифокор-
врачлар «мунтазам югуриш-
ни олат қилинг» дейишди.
Маслаҳатга амал қилдим.
Беш йилдирки, семизлидан
ҳам, дардан ҳам қутулдим.
Ҳар кунни эрта тонгда 4—5
километр югураман. Сўнгга
Анхор сувда қўйламан.
Шундан сўнг кечгача ўзим-
ни бардам ва қушдек енгил
сезиб юраман.

Инсон доимо яхши кайфи-
да бўлиши учун ҳам югу-
риб туришни керак экан, де-
ган, ҳушосга келдим. Ил-
гарилар бўлар-бўлмасга та-
швишларан, руҳим тушиб ке-
тар эди. Эндиликда улардан
асар ҳам йўқ.

Зайнаб ВАЛИЕВА,
хизматчи.



МЕХМОН КУТГАН ме-
зон ўз оиласидаги камчилик-
лар, етишмовчиликлар, ҳа-
фаликлар тўғрисида, касал-
лик ёки ўлим хусусида оғиз
отмаслиги, хизматидан, на-
риқдош-уруғ, ёр-биродарла-
ридан қўймаслиги керак.
Аксинча, ўзини жуда қуш-
қақча тутиб, дилқашлик қи-
либ ўтириши зарур.

Қаҳрилан меҳмонлардан
биронтаси келмай қолса, ун-
дан гина қилмаслик лозим.
МЕЗБОННИНГ эҳтироми
барчага баравар бўлсин. Ле-
кин шунинг айтиши керакки,
ўрин келиб қолса, меҳмон-
нинг мансабига эмас, ёши-
нинг улуглигига қараб ало-
ҳида илтифот кўрсатиш му-
мкин. Меҳмон жуда ҳушёр бў-
лиши лозим. Меҳмон безов-
тадан, дарҳол сабабини
аниқлаш, лозим тоғилса,
унинг хизматига бўлиш
одобдан саналади.
МЕЗБОН ҲАДЕБ таш-
вишланмаслиги, у ёқдан
бу ёққа тез-тез ўтавермасли-
ги, онласидагиларга ҳадеб
иш буюрвермаслиги зарур.

К. МАХМУДОВ,
фалсафа фанлари кан-
дидати.



Адам, опам чоғларки.

Мен ҳам шодлар бириман.

Икковларин боғлаган.

Онла «занжир» ман.



са очиб деразадан паш-
ша киймайд.

◆ Пачоқ тухум оқиб
кетмаслиги учун уни
тузди сувда пиширтиш
керак.

◆ Пиширилган ҳар
хил доғларни ҳам кар-
тошка билан артсан-
гиз осонгина тозалана-
ди.

◆ Хамир қориди-
ган сува бир чимди
ичилик сода ара-
лаштириб юборсан-
гиз яхши ошади.

◆ Палов жуда шўр
бўлиб кетган бўлса,
дамлаганингизда ту-
ручингиз бетиға мон
ётиб сўнгга дамгирин
боссангиз шўри бир-
мунча қирқилади.

◆ Хўл ўтинга бир
чимди янрик туз се-
сангиз, яхши алағала-
нади.

◆ Агар туздонга
бир неча гуруч ташлаб
қўйсангиз, туз қуруқ
сакланади.

◆ Тўловчи: М. КАРИ-
МОВА.

Эр-хотиннинг ўзаро муносабати хусусида

ЭРКАКЛАР — ХОНАДОН СОҲИБИ

ЭРКАК КИШИ — оиланинг
бошлиғи, хонадон файзидир. У
бор экан рўзгорда маъмурчи-
лик, турмуш тарзида тартиб,
болалар тарбиясида мазмун
бўлади. Рўзгорнинг қийинчи-
ликлари, қовариса унинг қў-
барақаси оиланинг оёқлари
ва яхши яшаш эркаклар бил-
ан кўп жиқатдан боғлиқ экан-
лигини ҳеч ким инкор қи-
лмайди.

Бир вақтлари эркак кишига
тутилган фарзанднинг қўлига
олиш, эркаклар уятли ҳисоб-
ланган бўлса эндиликда бола-
ларин боқиб, эрталаб боғчага
олиб бориш, кечки пайт эса у
ердан олиб қайтиш ҳам қў-
пича эркаклар зиммасида.
Хуллас, она болалар ҳақида
қанчалик қайғурса, оталар ҳам
шунчалик меҳрибон.

Шу муносабат билан айтиш
керакки, мунтазам серҳара-
катлик, бир ишнинг кетидан
иккинчисини бажариш учун
елиб-югуриш, рўзгор юмушлар-
ни, узулсиз меҳнат, оиладаги
турли ишчиликлар эркак
киши асабига, умуман соғи-
лга путур етказмаслиги муқар-
рар. Бўзган эркакнинг ишдан
қочиб қайтиши, қайфатини
ишбегга оила деб-дурустдан
унга қўполлик қилиш, аҳд
қонангиз ундай қилиш, синг-
лигиз бундай қилиш, «фа-
лочи у дед, пистончи бу де-
ди» деб ҳасрат бошлайдиган,
рўзгор ташвишларининг қўп-
лигидан ҳадеб зорланаверди-
ган аёллар ҳам йўқ эмас. Ёки
муомалада одоб ва ахлоқ
доирасидан чиқиб болаларни
«отанга ўхшамай ўл», «отан-
дан ўтиб қаёққа борардингиз»

3. ЭҒАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари канди-
дати.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ



— Алло, ойинжон, қўвин-
гиз ҳозиргина кир ювиб бў-
либ, дамолга уринган эди-
лар, бир пас туриб борамиз-
да, майлими?

— Қўшинжон, эрим меҳ-
мон бошлаб келмоқчилар, ош
дамла девишлар, олдин гу-
руч соладими ёки сабзими?

Б. Одилов чизган расмлар.

ЕШ КЕЛИН-ҚУЕВЛАРГА МАСЛАҲАТ

РАШКЧИ БЎЛМАНГ

МУҲАБАТНИНГ, оила-
даги тотувлик, қовариса
бахтининг асоси — ишонч.
Эр ва хотин бир-бирига ҳам-
ма соҳада ишонар экан, тур-
муш енгил, гўбонсиз ва за-
қим ўтади. Хусусан рашк,
шубҳа деган нохушликларга
ўрин бўлмайди.

Рашк!.. Муҳаббатнинг,
бахтининг, оиланинг заволи
дейишди уни. Юракларин
тириб, асабларин бузадиган,
гулдек чехраларин сўнгин
қилдирган нохуш туйғу. Ле-
кин беҳуда рашкни қандай
енгил, унга қарши қандай
курашсин керак?

Рашк ҳам табиий туйғу.
Ишқ-муҳаббат бор экан,

рашкнинг бўлиши ҳам та-
биий дейишди. Эр-хотин
муносабатига шубҳа тикани-
ни «қадашга» иштиловчи
гайрили дилдорлар ҳам йўқ
эмас. Муҳаббат гулига заво-
л етказадилар.

Қўнларнинг бирда мак-
таб ўқитувчилари коллектив
бўлиб театрга бордик. Ёшги-
на чет тили ўқитувчиси ҳам-
маишдан узоқда яшар эди.
Тоғонадан сўнг илмий бў-
лим мудирига уни кузатиб
қўйишдан бўлди. Ўша кўни
мудирига ҳаммаҳалласи
уйининг деразасини чертиб,
унинг хотинини қаҳрибди ва
«Билиб қўйинг: эрингиз бир
кетворган жондон билан бе-

катимизда тушмай, трамвай-
да ўтиб кетди» деб хабар
берди. Унинг рафиқаси бу
шум хабардан бир неча кун
тунд бўлиб юрибди-да, бир
кун кайнонасининг олдида
аламини тукиб солибди: «Э-
лингиз бошқалар билан
театрга борадиган янги ки-
лиқ чиқарганлар». Эр гап-
нинг моҳиятига тушунай
хангун манг бўлди. Она ҳам
дили оғриб кетди. Онаси-
ни кузатиб, эр хотинига:

«Бундай одадинг йўқ эди-ку,
эсини эдингми? Онам озби-
ноб бир келганлариди дили-
га озор бердинг, менга ўша
кўнунг айтсанг, мен ичанда-
ти зардобин ёран бўлар-
дим», деб лашмон бедди.
Кейин кузатиб қўйган «жо-
нонинг кимлигини, уни ўзи
ҳам танишини айтибди. Ях-

шики, шу суҳбат билангина
тинчиб кетишди. Хотини
қўшинсини койганича эри-
дан, кейин қайнонасиндан уэр
сўради. Ана шунга ўхшаш
беҳуда рашк туйғайли бузи-
либ кетган оилалар қанча.

Муҳаббатнинг сеҳрли гу-
лини кўз қорачиқидек асраш
ҳаммининг ҳам қўлидан кел-
майди. Бироқ шунга ишти-
ло — ҳаммининг бурчи.
Унинг покиза ва нозик барг-
ларига ҳеч қандай гўбон
қўнмаслиги лозим. Бу гул
меҳр ва фидойиликдан ози-
ланади.

Беҳуда рашк ширин тур-
муш заволи. Ҳеч қачон унга
йўл бермайди.

А. ҲАСАНОВА,
ТошДУ доценти.



СПОРТ

ФУТБОЛ
СССР чемпионати биринчи
лига командаларининг навба-
диги тур ўйинида Тошкентнинг
«Пехтакор» командаси Мос-
квда Махаллий армия спорт
клуби футболчилари билан ў-
рашди. Ўйин 1:0 ҳисобида
меҳмонлар фойдасига ҳал бўл-
ди.

МОТОЦИКЛ ПОЯГАСИ
ЛАТВИЯ ССР Елгава шаҳри-
да триал бўйича ўтказилган
СССР биринчи чемпионатида
республикалик терма коман-
даси муваффақиятли иштирок
этиб, соғирли учинчи ўринни
қўлга кiritди.

Республикалик спорт шара-
фини чириқлик доссафчилар
В. Молюков, А. Гушин, В. Ки-
рдяев, В. Уткин ва С. Пузыри-
лов қилишди. Команданинг
бу муваффақиятида тренер А.
Когульковнинг хиссаси каттадир.

ТОШ КУТАРИШ
БУХОРО шаҳрида тош кў-
тариш бўйича биринчи бор рес-
публика шахсий-команда
чемпионати бўлиб ўтди. Мусо-
бақаларда республикалик сак-
кизи области ҳамда Қорақалпо-
ғистон АССРдан келган 40 га
яқин спортчилар иштирок
этишди.

Тошкентлик А. Қорабоев, С.
Захаринов, К. Пановлар ўз
вази категориялари бўйича го-
либ чиқшди.

Қайнонаки—чин она,
Келинги—фарзандим дер.
Бўлиб унга парвози
Келинда ошар меҳр.

А. Зуфаров фототўждари.

САЙИЛЛАРГА МАРҲАМАТ

МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ
дам олиш кўнари поштахиз-
матининг Карл Маркс кўча-
сида халқ сайиллари уюшти-
риш аниқлаган айланди. Ана
шу сайилларда республика-
лик областларда етиштирил-
ган маҳсулотларни кўргазма-
лари, ранг-баранг конкур-
лар, бодий ҳаваскорлик
коллективларининг чийиш-
лари уюштирилмоқда. Тош-
кент шаҳар икромон комите-
ти поштахизмат аҳолиси ва
меҳмонларига 4, 5 ва 8 ок-
тябрда ана шу ерда ўткази-
ладиган «Оби кўналар ва па-
ловлар кўнага» таклиф эта-
ди. Шу кўни Тошкент шаҳар
умумий оқатлаиш бош
бошқармасининг моҳир па-
задалари синалар учун 30
хилга яқин ранг-баранг
— самарқандча, бухороча,
хоразмча, фарғонача, озор-
байжонча, арманча ҳамда
ҳаваскорлик паловлари тай-

ёрлайдилар. Шунингдек,
умумий оқатлаиш бош
бошқармаси ушундай нави-
да хаваскор навиойлар
тайёрлаган тўй ноия, лочира,
қатлама, ширмови нон, қу-
лача нон, сутли нон каби ў-
лаб ўзбек миллий оби нонла-
ри намойиш этилади.

Тошкент шаҳари сайилда
бўлиб ўтган кўналарига
кўргазмаси ҳамда сотуви
уюштирилди. Шу кўналар
Хоразм деҳқонлари томонидан
еттиштирилган қовуш, тар-
вуз ва бошқа мева ва сабза-
вотларини харид қилиш му-
мкин.

Байрам ташкилотлари соат
18.00 да бошланади. Бу ер-
да синалар шаҳар бодий ҳа-
васкорлик коллективлари-
нинг ўқитувчилар кўнага ба-
ғишланган концерт програм-
маларини томоша қилиш-
ларингиз мумкин.

Ана сизга чорлар. Йўл-йўлақай
қўшинлар билан келарканми,
ҳар биримиз шу чорларни ким
чиқарган ўзи, деб ҳуноб бў-
дик.

— Ҳеч кимга сир эмас. Бу-
нақа чорлар пайтида қиз то-
монинг ота-оналари анчагина
эзизт чеккишди. Қўпол қилиб
айтганда ўзларини тузукроқ
ейиш, кийишдан тортиб фар-
зандларига тилла тақинчоқлар,
ноб кийим-кечаклар қилишга
иштилошди. Шу тариқа умр-
лари беҳуда ўтиб кетганини
ҳам сезишмайдилар. Фалончидан
қолмай деб, «кўрпаларига қа-
раб оёқ узатишмайдилар». На-
тижада уйда етишмовчилик ту-
файли ота билан она ўртасида
келишмовчиликлар содир бў-
лади. Одатларга бундай кўр-
кўрона эргашиб асабийлашу-
ш, ташвиш, уйқусизликларга са-
баб бўлаётган ҳоллар ҳам йўқ
эмас.

Шуларни ўйлаганимда ма-
ҳалла айтишлари қаёққа қа-
рашлати, ўзи, бундай тартиб-
сизликлар қачон барҳам то-
парин деган ҳаёлга бораман.
Битта мен эмас, бошқа аёллар
ҳам шундай фикрда. Аммо
улар кўпчиликдан уялганлари-
дан, «юртдан орқада қолмас-
ликка» ҳаракат қилишди. Ас-
лида шундай одадларга улар
ҳам қаршиллар. Бу одадлари-
миз ёшларга тез юклати. Улар
авжи мазмунли яшайдиган
навқирон ёшларда латта-пут-
та, ҳар хил бўюмлар йиғиш
«касагинга мубалопа бўлмоқда»,
Ана шунинг дарадида ўра-
лашиб қолмоқдалар.

Ҳозирги пайтда бундай ма-
росимларга янгича туз бериш
керак. Келин тушган хона-
дон оиласига тегишли беш-ол-
ти нафаргина аёл билан қуда
томоғига бориб, танишиб кели-
ши мумкин-ку, ахир. Агар кўп-
чилик астойдил киришса, бу
ҳам ажабга келадди. Тўйлар,
ЗАГСдан ўтгандаги ортиқча
даҳмазалар йўқолиб, ихчамла-
шиб қолди-ку! Сиз нима дей-
сиз, овсин!

Замира АҚҚАРОВА,
Ормоникенда райони.
Қаҳрамон она хатини оққа
кўчирувчи

Х. САМДВАЛИЕВ.

ШИФОКОР БИЛАН СУҲБАТ

КОСМЕТИКА ЁШАРТИРАДИ

Ҳар бир кишининг ўз ташқи кўринишига, айни-
қас унга гузаллик бахш этиб турувчи тери, соч, ти-
роқ ва чехрасига алоҳида эътибор билан қарашда
косметологиянинг хизмати катта. Сўнгги йиллар
ичида бу хизматдан фойдаланувчилар сонини анча-
гина ошди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ми-
нистрлигининг дерматология ва венерология илмий
тадқиқот институти қошидаги даволаш косметикаси
шифохонаси бош врач Татяна Александровна
ТУГУШЕВА бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни
сўзлаб берди.

Бизнинг шифохонамиз
1968 йилда ташкил этилган
бўлиб, у даволаш космети-
каси билан, яъни терини до-
ри-дармонлар билан пар-
варши қилиш, юзга ақин
тушуши, терининг бўшашиб
қолиши каби қарилан ало-
матларига қарши қўрашिला-
ди.

Шифохонамизга келган
ҳар бир одамни авваломбор
косметолог-врач қабул қи-
либ, уни текширади ва те-
гишли даволаш усулини
белгилайди. Шундан сўнг бе-
восита муолажага кириши-
лади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЮБИЛЕЙ»
МАРКАЗИЙ
СПОРТ ЗАЛИДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА
ШАҲАР КОМСОМОЛ
КОМИТЕТЛАРИ
4, 5, 6, 7 ОКТЯБРЬ
СОАТ 19.30 ДА
«ДИАЛОГ»

ЕШЛАР КЕЧАСИНИ
ЎТКАЗАДИ

Программада ёшлар рес-
публика олий ўқув юртлари,
министрликлар ва идоралар,
Тошкент шаҳар Совети лар,
иома комитети раҳбарлари,
комсомол ҳодимлари ҳам-
да етакчи ёшлар театр
студиялари коллективлари,
оригинал жанр артистла-
ри, «замонавий пластика ва
хореография» раис груп-
палари билан учрашадилар ва
«Кардио» дискотека
нинг янги программаси бил-
ан танишадилар.

Билетлар олий ўқув юрт-
ларининг вакиллари томонидан
ва «ЮБИЛЕЙ» Марка-

зий спорт зали кассасида
сотиладилар.
Кассалар ҳар кун соат
12 дан 20.00 гача ишлайди.

ТАШКИЛОТЛАР, КОР-
ХОНАЛАР ВА БАДИЙ
КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА
МАКТАБЛАР ВА МАДА-
НИЙТ САРОЙЛАРИНИНГ
ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ
УНИВЕРСАЛ
МАГАЗИНИДА

«Белорус», «Литика»,
«Аксорда», «Рига» пияно-
лар, «Красный Октябрь»
рояли, «Юность-73», «Сре-
ро», «Аэлита» электр орган-
лари, валторна, саксофон,
фанфарлар, духовой чолшу,
светомузыка асбоблари, аку-
стика колонкалари, овоз ку-
чайтиргичлар

НАҚДСИЗ ПУЛ ЎТКА-
ЗИШ ЎЗЛИ БИЛАН ЗА-
ЧЕТСИЗ ЛИМИТГА СОТИ-
ЛАДИ.
«ЧИЛОНЗОР» ЦУМИ
(телефон 77-14-31).

Театр
ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 4/Х да Ревизор,
5/Х да Арзасига кўра.

Цирк
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА Тошкентда биринчи
марта «ИРТИҚ» ҲАЙВОН-
ЛАР аттракционининг гас-
роллари (19.30).

Ўзбекистон Компартияси
Тошкент обком комитети
ва област икромон комите-
ти обасте партия ташкил-
отининг ревизион комиссия-
си аъзоси, халқ депутатла-
ри обасте Советининг де-
путати, област агросано-
ва комитетининг кишлоқ ҳу-
жалик маҳсулотлари сифа-
ти ва уларни харид қилиш
бўйича бош давлат инспек-
тори Н. Н. Носировга ўғли
Анбар
НОСИРОВНИНГ
вафот этганини муносаба-
ти билан чуқур таъзия из-
ҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ
/«Ташкентская правда»/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗ-
БЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700088, ТОШКЕНТ

ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор ўричбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретарь — 325756, БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; кишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; туғти назбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

